



СИГНОК, Сунах, Сугнок, Сўнокота, Сўнак кўргон — Сирдарёнинг куйи окими бўйларида, Кизилўрда (Козогистон)нинг жан. да жойлашган кад. шаҳар. Ўтроқ, маданий вилоятлар билан дашт ўртасидаги чегарада мил. ав. 3-а. да бино этилган.

У 10-а. да ўгузларта тегишли бўлган. 11-а. ўрталаридан йирик савдо шаҳри, кипчоклар пойтахти сифатида машхур. 1219 й. етти кунлик камалдан сўнг Сигнок мўғулларнинг Жўжихон бошчилигидаги кўшини томонидан вайрон килинган, лекин 14-а. да қайта тикланиб, 14-а. ўртасида Ок Ўрда пойтахтига айланган. 15-а. да Сигнок ўзбек хонларининг пойтахт шаҳри бўлган, 16-а. да эса козок хонлари тасарруфига ўтган. 14—16-а. ларда Сигноқда тангалар зарб этилган, кошин парчалари билан безатилиб пишик гиштдан ишланган иморатлар (мадраса, масжид, макбаралар) қурилган. Манбаларда Сигнок хақида 18-а. дан кейин маълумот учрамайди. Шахристон (10 га)ни ураган мудофаа девори ва унинг 15 минораси харобалари ва рабод (тахм. 13 га) ни муҳофаза қилган тупроқ тепа, шунингдек, 14—16-а. ларга оид бир канча биноларнинг қолдиқлари сақланган.

Абۇ Муслим